

**“Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси” АЖда Биржа
аъзолари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ички
назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби ҳамда Рақобат
тўғрисидаги қонуннинг мазмун моҳияти мавзусида ўқув-амалий семинари
ўтказилди**

Жорий йилнинг 24 сентябрь куни биржанинг Марказий аппарати биносида “Биржа аъзолари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби” ва Рақобат тўғрисидаги қонуннинг мазмун моҳияти тўғрисида ўқув-амалий семинари ташкил этилди.

“ЎзРТХБ” АЖ Комплаенс-назорат ва ахборот хавфсизлиги Бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда биржа аъзолари, марказий аппарат ходимлари ҳамда ҳудудий филиалларда фаолият юритувчи биржа аъзолари ZOOM видеоконференция дастури орқали иштирок этди.

Семинарда, “ЎзРТХБ” АЖ Комплаенс-назорат ва ахборот хавфсизлиги Бош бошқармаси бош мутахассис У. Пулатов сўзга чиқиб Биржа аъзолари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида мамлакатимизда сўнгги йилларга кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини ва бундай турдаги иқтисодий жиноятларнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий муросасизлик маданиятини шаклланаётгани ҳамда ушбу йўналишда қўлланиладиган қонун ҳужжатлари, ички назоратнинг мақсад ва вазифалари, ички назоратни ташкил этиш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Биржа аъзоларининг масъул шахсларининг мажбуриятлари ҳамда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қайси ҳолларда шубҳали деб топилиши тўғрисида йиғилганларга тушунтиришлар бериб ўтди.

Шу билан бирга семинар иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан “Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун юридик шахсларнинг бенефициар мулкдорини аниқлаш” бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, шубҳали операциялар тўғрисида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига cabinet.prodepartament.uz сайти орқали маълумот юбориш тартиби амалий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди.

Ўқув семинари давомида “ЎзРТХБ” АЖ Биржа савдоларини ташкил этиш бошқармаси бош мутахассиси Қ. Алимов сўзга чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг мақсади товар ёки молия бозорларида рақобатнинг чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни назорат қилишни амалга ошириш ҳамда уларга чек қўйиш

билан боғлиқ бўлган, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги бўйича тушунтиришлар берди.

Бундан ташқари, Ушбу Қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан давлат органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва (ёки) ундан ташқарида содир этиладиган, Ўзбекистон Республикасидаги товар ёки молия бозорида рақобатнинг чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) нисбатан татбиқ этилиши таъкидланди.

Суҳбат давомида биржа аъзолари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ҳамда Рақобат тўғрисидаги қонун юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.